20 —
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 96 (96), 2020 йил 30 май, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май куни аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлди.

Президентимиз дастлаб Зангиота туманида барпо этилаётган кўп тармоқли махсус шифохона қурилиши билан танишди.

Коронавирус пандемияси бутун дунёга тарқалиб, инсонлар ҳаётига катта хавф туғдирмоқда. Мамлакатимизда ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, халқимизнинг чуқур тушуниши ва сабр-тоқати билан бу офат жиловланиб, оммавий ёйилиб кетишининг олди олиняпти. Қисқа фурсатларда даволаш-профилактика муассасалари ва карантин зоналари қурилгани бунда муҳим омил бўлди.

Зангиота туманидаги махсус шифохона лойиҳасининг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектарда 2 та комплекс қурилмоқда. Бунда юқумли касалликлар хусусияти ва замонавий тиббиёт талаблари инобатга олинган.

Хусусан, стационар жойларнинг ҳаммаси боксланган, ҳар бир хона автоном. Биридаги ҳаво бошқасига ўтмайди. Уларга кириб-чиқиш ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам алоҳида. Касаллар келгач, қабул бўлимидан тамбур орқали тўғридан-тўғри ўз палатасига жойлаштирилади.

Барча корпуслар, бўлинмалар тоза ва нотоза йўлаклар билан ажратилган. Тоза йўлакдан фақат тиббий персонал ўз вазифасини бажариш учун фойдаланади. Шифокорлар ҳаракатланиш чоғида санитар ўтказгичлар орқали ўтади. Бу барчанинг — ташхиси ноаниқ бўлганлар, врачлар ва бошқа хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ – 4296-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — **Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

болалар ва уларнинг қонуний вакиллари орасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тушунтириш, бола ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти ҳақидаги халқаро ҳамда миллий нормалар қоидаларини тарғиб қилиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

Давоми 2-бетда

Муносабат

"ЎЗБЕКИСТОН: КАФОЛАТЛАНГАН ХАВФСИЗ САЙЁҲЛИК"

2020 йил 1 июнидан "яшил" ва "сариқ" тоифадаги ҳудудларда ички туризм қайта тикланади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 май куни "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни имзолади.

Мазкур ҳужжат коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган туризм ва унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш юз минглаб иш ўринларини ҳамда малакали мутахассисларни, шу билан бирга, уларнинг даромадларини сақлаб қолиш ҳамда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланиши билан туризм соҳасини жадал тиклаш масаласини кўзда тутади.

Карантин туфайли туризмнинг тўхтаб қолиши натижасида 100 мингдан кишилар даромадидан айрилди. Жаҳон туризм ташкилотининг маълумотига кўра, 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионтага камайди, соҳада жами йўқотишлар 800 миллиард долларни ташкил этиши мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, бу каби йўқотишлар Ўзбекистон туризм соҳасида ҳам кузатилмоқда. Маълумки, жорий йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички туристлар учун ёпилди. Натижада бир ярим мингдан ортиқ туроператор, 1200 та меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди. Бу эса гидлар, миллий ҳунармандчилик, зиёратгоҳ ва сиҳатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда, 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир кўрсатди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 28 МАЙ КУНИ ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.

Бугунги кунда **31 та товарлар** гуруҳи ва **82 турдаги хизматлар** бозорида **245 та корхона монопол ҳолатда сақланиб қолмоқда.** Лекин бир қатор йўналишларда рақобат муҳити шаклланиб бўлган **19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича**

70 ТА КОРХОНАНИ МОНОПОЛИСТЛАР РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИШ МУМКИН.

Йиғилишда корхоналарнинг бозордаги монопол мавқеини аниқлаш бўйича ёндашувларни **қайта кўриб чиқиш,**

МОНОПОЛ ТОВАРЛАР РЎЙХАТИНИ КЕСКИН ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"НИ ТАСДИҚЛАШ ВАЗИФАСИ БЕЛГИЛАНДИ.

Давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан **барча раҳбарларни рақобат асослари ва**

КОМПЛАЕНС БЎЙИЧА ЎҚИТИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида **монопол корхоналар раҳбарлари** ва **ҳокимлар учун** рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича **қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиб,**

ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЭКСПЕРТ ВА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ.

Рақобат соҳасига оид низоларнинг малакали кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида **Тошкент юридик университетида** шу йўналиш бўйича **судьялар малакасини ошириш,**

СУДЬЯЛАРНИ УШБУ ЙЎНАЛИШДА ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА АЛОҲИДА СУД КОЛЛЕГИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.

Иқтисодиётда имтиёзлардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНГАН 23 ТА ЁҒ-МОЙ КОРХОНАСИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЕТАРЛИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛМАГАН.

Аксинча, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида рақобат муҳити яратилгани натижасида сўнгги **4** йилда парранда гўшти етиштириш **100** минг тоннадан **205** минг тоннага, балиқ **65** минг тоннадан **122** минг тоннага кўпайган.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам батафсил таҳлил қилинди.

Ўтган йили истеъмолчилардан тушган 11 мингдан ортиқ шикоятнинг 50 фоизи коммунал ва транспорт, 25 фоизи савдо, қолган 25 фоизи алоқа, молиявий хизматлар ва бошқа соҳаларга оид бўлган.

МОНОПОЛ КОРХОНАЛАР ЎЗ МАНФААТИГА МОСЛАБ ҲУЖЖАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚҚАН ВА УЛАРДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ ТЎЛИҚ ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги **ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ** муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси **МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚАРОР ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ.**

Ўғил-қизлар ҳунар ўрганса, ўзига ишончи ортади, дунёқараши ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ бўлади. Кейинчалик ижтимоий муаммоларни бартараф этишга маблағ сарфламаслик учун бугун шу маблағни мактабларга беришимиз керак. Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияламасак, келажакка хиёнат қилган бўламиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 30 май, 96-сон

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари касалхонада яратилган шароитлар билан танишди. Мутасаддилар билан суҳбатда ундан оқилона фойдаланиш, тиббиёт ходимларини рағбатлантириш муҳимлигини таъкидлади.

— Бундай замонавий шифохонани қуриш сермашаққат, ундан самарали фойдаланиш эса ундан ҳам қийин. Шунинг учун бу ерга врач эмас, ташкилотчи одам раҳбар бўлиши керак. Ходимларнинг маоши бонус тизимида бўлиши зарур. Натижа яхши бўлса, яхши даромад олишсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Муассаса 2 минг ўринга мўлжалланган. Лекин 4 минг ўрингача трансформация қилиш имконияти бор.

Давлатимиз раҳбари қабул бўлими, карантин зонаси, лаборатория ва муолажа хоналари, санитар-ювиниш жойларини синчиклаб кўздан кечирди.

Видеоалоқа орқали Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги шифокорлар билан мулоқот бўлди. Телемедицина бўйича комплекс тизим яратиш, туманлардан вилоят касалхоналарига, ундан республика марказларига боғланиш имкониятини йўлга қўйиш, шу билан бирга, тиббиёт ходимларини бу бўйича ўқитиб, тажриба алмашувни кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

72 ўринли реанимация бўлимида ҳар бир койка ўпканинг сунъий вентиляцияси ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу бўлимни кардиология, неврология, педиатрия каби турли йўналишлар бўйича жиҳозлаш ҳам мумкин.

Жарроҳлик залларига ҳаво тепадан берилади ва ён томонлардан сўрилади. Натижада доимий стериллик таъминланади.

Президентимиз мазкур муассасада иш бошлайдиган тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

— Мана шундай янги шифо масканлари қуриб, хусусий тиббиётни ҳам ривожлантириб, рақобатли медицина яратяпмиз. Энди шунга муносиб замонавий врач ва ҳамширалар керак. Ўз устингизда тинимсиз ишлаб, жаҳондаги ютуқларни ўрганиб, халқимизга хизмат қилишингиз лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лабораторияда вирусология, биокимё ва иммунология, микробиология, паразитология бўйича энг илғор аппаратлар ўрнатилган. Масалан, амалдаги полимер занжирли реакция ускунаси 5 соатда ўртача 40 кишига ташхис қўйса, бу ердаги замонавий жиҳозлар 2 соатда 90 та намунани аниқлаш имкониятига эга. Кўпра-тўшак ва матолар ювилиб, бошқа буюмлар буғ ёрдамида дезинфекция қилинади.

Шу ерда вилоят ва республика тиббиёт муассасалари қамрови ҳамда ҳамкорлиги ҳақида тақдимот ўтказилди.

— Кўп шифохоналар, диагностика марказлари тарқоқ жойлашган. Ташхис қўйиш ва даволаш сифати талабга жавоб бермайди. Маблағ эса сарфланиб ётибди. Давлатнинг бир сўми ҳам халқимизга нима манфаат беряпти, деган савол ҳар бир ишда мезон бўлиши керак, — деди Президент.

Мазкур шифохона мураккаб эпидемиологик вазиятда юқумли касалликлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, барча санитария-эпидемологик талабларга жавоб берувчи махсус муассаса бўлиб хизмат қилади. Эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг келгусида кўп тармоқли тиббиёт клиникаси сифатида фаолият юритади.

Жумладан, бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида масофавий тиббий кўриклар ва консилиумлар ташкил этилиб, олий ва ўрта махсус тиббий таълим муассасаларининг талаба-ўқувчиларига малака ошириш учун махсус клиник база сифатида хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган 16 қаватли уйни бориб кўрди.

Ташқи кўриниши билан ажралиб турган бу иморат замонавий стандартлар асосида зилзилага бардошли қилиб қурилди. Деворларида энергия тежовчи материаллардан фойдаланилган. Интернет тармоғи, видеокузатув ва ёнғин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланди. Уй 2-3 хонали 80 та хонадондан иборат бўлиб, кам таъминланган ва муҳтож оилаларга топширилган.

Президентимиз шу уйдаги Шарофиддин ва Шаҳноза Жўрабоевлар хонадонида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Бу оила 14 йилдан бери ижарада яшаб келаётган эди.

Охирги уч йилда Сергели туманида жами 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. 26 та намунавий типдаги маҳалла гузарлари бунёд этилди. Болалар боғчалари, мактаблар, поликлиника ва бошқа объектлар қурилиб, аҳолига муносиб шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Бугун илғор халқаро тажриба ва амалиёт ҳар соҳада керак. Айниқса, бу таълим тизимида сув ва ҳаводек зарур. Чунки сифат — энг устувор мезон. Ёш авлод камолотида эса асло бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди.

Президентимиз раҳбарлигида халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, тизимдаги муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқишга доир ислоҳотлар айни шундай эҳтиёж маҳсули.

Қолаверса, янги турдаги умумтаълим муассасаларини барпо этиш ва муқаддам қурилган биноларни босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқув-тарбия жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш — давр талаби.

Яқинда Сергели туманининг 5А мавзесида фойдаланишга топширилган 329-умумий ўрта таълим мактаби айни шундай мезонлар асосида барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу таълим масканини ҳам бориб кўрди.

Маълумки, мазкур туманда кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилиб, аҳоли сони ошиб бормоқда. 2019 йилда бу ерда тўртта янги мактаб барпо этиш ишлари бошланган эди. Ҳозирги кунда уларнинг иккитаси қуриб битказилди. Янги ўқув даргоҳлари тумандаги болалар ва ўсмирлар ҳамда ота-оналар учун муносиб совға бўлди.

Бугунгача энг катта мактаблар 700 ўринли бўларди. 329-умумий ўрта таълим маскани 1680 ўқувчига мўлжалланган. Унга асос солишда 2019 йилда ташкил этилган Президент мактаблари тажрибасидан фойдаланилган.

Тўрт қаватли мактабда 48 та ўқув хонаси мавжуд. Шундан 20 таси фан кабинети, 14 таси бошланғич синф хонаси ва яна 14 таси хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган. Лаборатория ва тўгарак хоналари, электрон кутубхона, тиббиёт пункти, ошхона, фаоллар зали, спорт майдонларида замонавий шароитлар яратилган.

Аҳамиятлиси, бу ерда болаларни ҳозирданоқ аниқ касбларга йўналтириш, ҳунарларга меҳр уйғотиш мақсадларида махсус хоналар ташкил этилган, улар керакли жиҳозлар, асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари, мато ва материаллар билан таъминланган.

Таълим сифатини ошириш мақсадида мактабга директор танлов асосида, ўқитувчилар эса тест синовлари натижасида ишга қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари мактаб дарсликлари савияси талабга мутлақо жавоб бермаслиги, ўқув дастурларини илғор хорижий билимлар асосида такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Болаларга сифатли таълим бериш, шу билан бирга, 7-синфдан бошлаб касбга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Ўғил-қизлар ҳунар ўрганса, ўзига ишончи ортади, дунёқараши ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ бўлади. Кейинчалик ижтимоий муаммоларни бартараф этишга маблағ сарфламаслик учун бугун шу маблағни мактабларга беришимиз керак. Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияламасак, келажакка хиёнат қилган бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан мактаб дастурига шахмат сабоқлари киритилган эди. Мусиқа хонаси билан танишувда яна бир шундай таклиф билдирилди.

— Ҳар бир ўғил-қиз ҳеч бўлмаса битта чолғу асбобини чалишни билишини истардим, — деди давлатимиз раҳбари.

2019 йил 23 августда ўтказилган йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев мактаб таълимини ривожлантириш буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарурлигини таъкидлаган эди. Сўнгги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ умумтаълим маскани қурилди, ўнлаб ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси таълим сифатини кўтаришга, педагогларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил сентябрда беш йил давомида Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй қурилишини айтганида кўпчилик ҳайрон бўлган эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йил декабрда бу борадаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирганди.

Бугун бу ерда катта, замонавий мавзе пайдо бўлди. Охирги 3 йилда туманда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

26 та намунавий типдаги маҳалла гузарлари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошган.

Президент Шавкат Мирзиёев шунча одамнинг фаровонлигини таъминлаш, бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадида ушбу ҳудудда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган алоҳида "Янги ҳаёт" кичик туманини ташкил этиш таклифини билдирди.

Пойтахт аҳолисига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Биринчи босқичда деҳқон бозорларида 256 та махсус раста ташкил этилди. Иккинчи босқичга мувофиқ, шаҳар бўйлаб 514 маҳаллада 2316 та кўчма савдо ярмаркаси ҳамда 634 турғун савдо дўкони ташкил этилди.

Сергели туманига Қашқадарё вилояти бириктирилиб, вилоят фермерлари ўз маҳсулотини олиб келиб сотадиган савдо жойи очилди.

Давлатимиз раҳбари Ташаббус маҳалласи ҳудудидаги ана шундай савдо шохобчасини кўздан кечирди.

— Фермерларнинг маҳсулот олиб келишига ёрдам бериб, эмин-эркин сотишига шароит яратилса, Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини 15-20 фоиз тушириш мумкин. Маҳсулотлар арзон ва сифатлилиги халқимизга, доимий мижозлар борлиги деҳқонларга ҳам қулай бўлади. Энди бошқа туманларга ҳам муайян вилоятларни бириктириб, маҳаллаларда шундай ихчам, совутгичли шохобчаларни ташкил этиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Сергели-5А мавзесидаги "MADENA COLLECTION" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу тикувчилик корхонасида тиббиёт ходимлари учун йилига 150 минг дона махсус кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада шу атрофда яшовчи 100 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Президент ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг оилавий ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган экопаркни бориб кўрди.

Ўтган йил 21 майда Учтепа туманига таширриф чоғида Тошкент шаҳри туманларида истироҳат боғлари ташкил этиб, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича топшириқ берилган эди.

Шунга мувофиқ, Сергели туманида умумий майдони 10 гектар бўлган «Flowers Garden Park» ташкил этилди. Шундан 5 гектари боғ, 5 гектари гул сотиш марказидир. Боққа йирик гулли магнолия, фотиния фразери, қора сосна, игна баргли арча, "Кримсон кинг" чинори каби 30 турдаги 6 мингдан зиёд манзарали дарахт ва 20 турдаги 60 мингдан зиёд бута олиб келиб экилган. Аҳолининг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун ресторан, савдо шохобчалари ташкил этилган.

Туркиянинг "Natural Peyzaj" ширкати билан ҳамкорликда бунёд этилган боғда 200 та иш ўрни яратилган. Малакали агроном ва энтомологлар жалб этилган.

Давлатимиз раҳбари боғда яратилган шароитлар билан танишди, манзарали дарахтлар ва гул дўконларини кўздан кечирди.

Янги экопаркда Сергели тумани мутасаддилари, аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

— Бугун бу ерга келишимдан мақсад – коронавирус пандемияси туфайли юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда халқимизни нималар ўйлантираётгани, одамлар ҳаётини яхшилаш учун яна нималар қилиш кераклигини биргаликда фикрлашиб олиш, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Сергели тумани учун шакллантирилган инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинди.

Жумладан, жорий йилда умумий қиймати 1,8 триллион сўмлик 61 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 5 мингдан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Шунингдек, 22 та лойиҳа бўйича 83 миллион доллар миқдорида ҳорижий сармоялар ўзлаштирилади.

Мисол учун, Тошкент қувур заводида жорий йилда хитойлик ҳамкорлар билан бирга 85 миллион доллар инвестиция эвазига йилига 500 минг тонна металл лист ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади.

Чирчиқ дарёсининг Бектемир ва Сергели туманларидан оқиб ўтувчи 16 километрлик қисмидаги ўзанларни 65-80 метргача қисқартириш орқали қўшимча 565 гектар бўш ер захираси пайдо бўлади. Бу ерда янги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш орқали қўшимча 160 минг янги иш ўрни яратиш мумкин. Мутасаддиларга бу масалани атрофлича ҳисоб-китоб қилиб, уларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали бандликни ошириш, камбағалликни қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Транспорт ва коммунал хўжалик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан қиймати 83 миллион доллар бўлган, 7 километр узунликдаги Сергели ер усти метроси қурилмоқда. Уни жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди.

Оқова сув ва иситиш тармоқларини яхшилаш, марказий иссиқлик тизимини ёпиқ тизимга ўтказиш орқали модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ
БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг ижросини ўрганиш;

ўз ваколати доирасида бола ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро стандартларини қонун ҳужжатларига татбиқ этишни ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳолатидан жамоатчиликни хабардор қилиш;

имконияти чекланган болалар, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлагандан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

тарбия муассасаларини тамомлаган уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мақсадли коммунал уй-жой фондидаги белгиланган санитария ва техник меъёрларга ҳамда қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига жавоб берадиган турар жой билан таъминланишига кўмаклашиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, бунда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш, шу жумладан, бола ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

маслаҳат, тавсия ва хулосалар бериш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (кейинги ўринларда — Вакил) ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда бажаради;

Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас;

Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин;

Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ва хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Вакилнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Вакил ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя қилиниши ҳолати ҳақида **маъруза** тақдим этади;

бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг айрим жиҳатларига эътиборни кучайтириш зарур бўлганда Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган **махсус маърузалар** тақдим этиши мумкин;

Вакил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи **минтақавий вакилларига** эга бўлади;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Вакил билан келишилади.

4. Вакилга ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий ва бошқа ахборот ва материаллар сўраб олиш;

давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиш ва суд томонидан кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиш;

бола ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш ва мурожаатлар кўриб чиқиш доирасида давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳаракатларида бола ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш;

қонунда назарда тутилган ҳолларда боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат қилиш;

боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсадида суд жараёнларида қонунда белгиланган ҳоллар ва шаклларда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича сўровномалар ўтказиш, шунингдек, бола ҳуқуқлари амалга оширилиши тўғрисида статистик маълумотлар йиғиш ва маълумотлар базасини шакллантириш;

бола ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқув дастурлари тайёрлашда иштирок этиш, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ўқув-семинарлар ва тренинглар ташкил қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир эксперт ва илмий-таҳлилий ишларни амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотларни, шунингдек, олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш;

болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган муассасалар, хизматлар, органларга, шу жумладан, таълим, тиббиёт муассасалари, қамоқда сақлаш жойлари ва жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам равишда ва монеликсиз кириш;

Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган ва хорижий давлат ҳудудида бўлган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги келишувларга ва бошқа шартномаларга мувофиқ бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органларига ва омбудсманларига сўровномалар юбориш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, уларнинг аъзолигига кириш, шунингдек, бошқа давлатлар омбудсманлари билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум, келишувлар тузиш, қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, бола ҳуқуқлари масалалари юзасидан халқаро форумларда мунтазам равишда иштирок этиш.

5. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини мониторинг қилиш мақсадида Вакил ҳузурида **Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши** (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Кенгашнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимидаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳолати ҳамда Вакил фаолияти юзасидан жамоатчиликни хабардор қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш таркибига обрў-эътиборли фуқаролар, олимлар, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда **уч ой муддатда** бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда:**

халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонунга** мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминлаш;

"Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда Вакилни давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхатига қўшиш бўйича ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш тавсия этилсин.

8. Вакил **2020 йил 1 ноябрга қадар** бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳолатни танқидий ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича таклифларни киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибиятини зарур шарт-шароитларга эга бўлган алоҳида бино (хоналар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари, шу жумладан, уларнинг электрон шакллари мажбурий равишда юборилади ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 май

МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

2020 йил 29 май куни Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов раислик қилди.

Тадбирда Беларусь Республикаси Бош вазири Сергей Румас, Молдова Республикаси Бош вазири Ион Кику, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин, Арманистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мгер Григорян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Эркин Асрандиев, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ва МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари асосий эътиборни МДҲ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларига, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида кўрилаётган биргаликдаги чора-тадбирларга қаратди.

Муҳокамалар натижасида янги коронавирус инфекцияси "COVID-19" тарқалиши муносабати билан МДҲга аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарларининг Баёноти қабул қилинди. Кенгаш қарорига кўра, мазкур ҳужжат матни БМТ, ЖССТ ва бошқа йирик халқаро ташкилотларга ҳам тарқатилади.

Барқарор иқтисодий ривожланиш учун қулай шарт-шароит яратиш, МДҲга аъзо мамлакатлар фуқаролари турмуш тарзи ва фаровонлигини ошириш мақсадида томонлар 2030 йилгача бўлган даврда Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини тасдиқладилар. МДҲ мамлакатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг базавий тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилаб берадиган ушбу ҳужжат Ҳамдўстликка аъзо давлатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли шерикликка кўмаклашишга қаратилган.

Мулоқотлар давомида карантин чекловлари шароитида савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида йўлга қўйилган мавжуд механизмларни, шунингдек, МДҲ ҳудудидаги эркин савдо зонасининг тўлақонли ишлашини сақлаб қолиш муҳимлиги қайд этилди.

МДҲ мамлакатлари аҳолиси ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мақсадида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича транспорт, энергетика, қурилиш, таълим, маданият, туризм, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини, шунингдек, ёшлар сиёсатини ривожлантиришга оид жами 14 та ҳужжат имзоланди.

Томонлар МДҲ Ижроия қўмитасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши навбатдаги мажлисини жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎзА мухбири



Бошланиши 1-бетда

бизнинг мамлакатимиз, балки бутун дунё ички ва ташқи туризмига жиддий таъсир кўрсатди. Натижада қатор меҳмонхона, овқатланиш тармоқларининг аҳолини коронавирус касаллигидан сақлаш мақсадида фаолияти тўхтатилди.

Ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси, жамоат ташкилотлари ва туризм соҳаси субъектларининг белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда мамлакатимизда 2020 йилнинг 1 июнияқин имтиёз тақдим этилди. Лекин туризм йўналишида тадбиркорлар кўрган зарарни яқин бир-икки йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис, ҳам соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар берилди.

Хусусан, туристик йиғимлардан озод қилиш бўйича аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтирилади. Шунингдек, соҳа корхоналари фойда солиғини ҳисоблашда 2020-2021 йилдаги кўрган зарарларини кейинги йиллар фойдасидан чегириб ташлашга рухсат берилади.

Сир эмаски, кейинги йилларда юртимизга сайёҳлар оқими кўпайгани муносабати билан тадбиркорлар янги меҳмонхоналар ва бошқа туристик объектларга ўз сармояларини йўналтирган эди. Бу эса ҳозирда уларнинг олган кредитлари фоиз-



“ЎЗБЕКИСТОН: КАФОЛАТЛАНГАН ХАВФСИЗ САЙЁҲЛИК”

2020 йил 1 июнидан “яшил” ва “сариқ” тоифадаги ҳудудларда ички туризм қайта тикланади



Шу боис, Словения, Туркия, Греция, Португалия, Россия, Таиланд, Миср каби мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимига тўлиқ амал қилган ҳолда соҳани тиклашга зарурат пайдо бўлди.

— Сўнгги уч йилда туризм соҳасида жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов. — Шу давр мобайнида сайёҳлар оқими беш баробарга ортиб, йилига олти миллиондан ортиқ сайёҳ мамлакатимизга ташриф буюраётган эди. 2019 йил якунларига кўра, экспорт тушумлари ҳам ортиб, 1 миллиард 300 миллион долларга етган эди. Афсуски, пандемия, нафақат дан “яшил” ва “сариқ” тоифадаги ҳудудларда ички туризм қайта тикланади.

Ушбу жойларда туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқа туризм объектларининг ўз фаолиятини бошлашига рухсат этилади.

Шунингдек, коронавирус жиловланган давлатлар рўйхати шакллантирилиб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклашга киришилади. Юртимизда “Ўзбекистон: кафолатланган хавфсиз сайёҳлик” шиори остида хавфсиз туризм ҳам жорий этилади. Бу борада тизимда кўплаб чоралар кўрилмоқда. Яъни, хорижий ёки маҳаллий меҳмонлар ўз саёҳатларини бошлаганларидан то уйларига қайтгунигача тўлиқ кафолатланган хавфсиз тизим яратилмоқда. Жумладан, бунда улар борадиган зиёратгоҳлар, сайёҳлик объектлари, меҳмонхоналар, транспорт воситалари, овқатланиш жойларида барча зарур санитария-гигиена хавфсизлик чоралари кўрилади.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтгача пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида мамлакатимизда туризм соҳасига қатор енгилликлар берилган эди. Жумладан, 1750 субъектга мол-мулк, ер ва ижтимоий солиқлардан 60 миллиард сўмга ларини тўлаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарди. Фармонда бу борада ҳам бир қатор енгилликлар берилди. Масалан, 2021 йил 1 январга қадар тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича тўланадиган фоизларнинг 10 фоизи давлат томонидан қопланади. Бундан ташқари, меҳмонхоналар, туроператорлар, туркомпаниялар, турагентлар ўз фаолиятини қисқа муддатларда тиклаши учун уларга 1 миллиард сўмгача бўлган қисқа муддатли кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бу кредитлар фоизларининг ҳам 10 фоизи давлат томонидан тўлаб берилади.

Ўрганишлар жараёнида маълум бўлишича, мамлакатимизда туроператорларнинг 63 фоизи, жойлаштириш

воситаларининг 81 фоизи ўз фаолиятини тўхтатган. Малакали мутахассисларни соҳада ушлаб қолиш учун фоизсиз ссудалар бериш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам фармонга биноан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Бюджетдан ташқари туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда соҳа вакилларига 12 ой муддатга бир марталик мақсадли фоизсиз ссудалар ажратиш, туроператорларга 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фондининг уч бараваридан ошмайдиган миқдорда, жойлаштириш воситаларига ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблашнинг беш баравари миқдорида қўшимча кўмак кўрсатилади.

Шу билан бирга, соҳага субсидиялар ва грантлар ажратиш бўйича бошқа имтиёзлар ва янгиликлар ҳам жорий этилмоқда. Мисол учун, жамғарма маблағлари ҳисобидан кириш туризмини тиклаш бошланган кундан эътиборан ва 2020 йил 31 декабрига қадар камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларининг 30 фоизи миқдорида субсидиялар берилади.

Фармонда гидларни ҳам қўллаб-қувватлаш борасида қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга гидлар учун 5 миллион сўм, туроператорлар учун 10 миллион сўм миқдорида грантлар ажратиш орқали қўшимча кўмак кўрсатилади.

Айни пайтда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида 12 та техникум ва касб-ҳунар коллежи фаолият юритади. 2020 йилда мазкур ўқув юртларига 3 минг 700 ўқувчи қабул қилиш режалаштирилган. Шундан 30 фоизи грант, қолган қисми тўлов асосида амалга оширилади. Бу ўқувчилар битирадиган 2022 ва 2023 йилларга бориб мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сони йилига 9 миллион кишига етиши ва соҳада мутахассисларга талаб кескин ортиши кутиляпти. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги техникум ва

коллежларга 2020 йилда ўқишга қабул қилинган барча тингловчиларни ўқитиш, истисно тариқасида, давлат гранти асосида амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳужжат туризм ва у билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, 100 минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини оширишга хизмат қилади. Энг асосийси, санитария-эпидемиологик вазият яхшиланиши билан туризм соҳасини жадал тиклашга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КОМПЛАЕНС ТИЗИМИ, “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”, ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

монополияга қарши курашда тиргак бўлиши керак

Бобир КАРИМОВ,
Монополияга қарши курашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтган ҳар қандай давлатда соғлом рақобат ва адолатли савдо қоидалари жуда муҳимдир. Соғлом рақобат меҳнат унумдорлигини оширади, янги иш ўринлари яратилиши, инновациялар ривожланишини таъминлайди ва, энг муҳими, истеъмолчилар фаровонлигига хизмат қилади. Соғлом рақобат нархларни пасайтириб, товар-хизматларнинг сифатини оширади.

Президентимиз раислигида жорий йил 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини қимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бугунги кунда 31 та товар гуруҳи ва 82 турдаги хизмат бозорида 245 та корхона монопол ҳолатда фаолият юритмоқда. Лекин бир қатор йўналишларда рақобат муҳити шаклланиб бўлган, хусусан, 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхонани монополистлар реестрдан чиқариш мумкин.

Йиғилишда Монополияга қарши курашиш қўмитаси олдига монополияга қарши давлат сиёсати ва ҳуқуқий асосларини кенг тарғиб қилиш, республикадаги олий таълим муассасаларида рақобат сиёсати ва ҳуқуқи асосларини ўқитадиган курслар ташкил қилиш, монополияга қарши орган фаолиятини тубдан такомиллаштириш, ҳудудлар ва тармоқларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш каби вазифалар қўйилди.

Комплаенс тизими нега керак?

Йиғилишда давлат иштирокидаги монопол корхоналар ва давлат органларида монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш белгиланди. Бунинг асосий сабаби, монополияга қарши қонунчилик бузилиш ҳолатларининг аксарияти билиб ёки билмаган ҳолда давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат органлари томонидан содир этилмоқда. Монополияга қарши комплаенс тизими монополияга қарши давлат органи иштирокида ишлаб чиқилади ва кўрсатиб ўтилган ташкилотларда қонунчиликнинг бузилишига олиб келадиган ҳолатлар таҳлил қилиниб, ички идоравий ҳужжат қабул қилинади. Ушбу тизим кўрсатилган ташкилотларни фақат жазолаш эмас, балки қонун бузилишлари олдини олиш мақсадида превентив механизмни жорий этишдан иборат.

Аммо, аввало, монопол ёки устун мавқега эга бўлиш қонун бузилишими ёки бозор иқтисодиёти қоидаларига хос табиий ҳолатми, деган саволга аниқлик киритиб олишимиз керак. Иқтисодиёт назариясига кўра, корхона монопол бўлиб қолиши тўғридан-тўғри қонун бузилиши ҳисобланмайди. Чунки у тўғри маркетинг стратегиясини қўллаган ҳолда товар ёки хизматларнинг сифатли ва арзон бўлгани ҳамда истеъмолчилар ишончини қозонгани учун ҳам монопол ёки устун мавқега эга бўлиши мумкин. Лекин устун мавқега эга бўлгандан сўнг ўз мавқеини суиистеъмол қилиш классик монополияга қарши қонунчилик талабларига мувофиқ, қонун бузилиши ҳолатлари ҳисобланади. Устун мавқени суиистеъмол қилиш ҳолатларига нархни асоссиз ошириш, сотиб олинган товарга қўшимча товар қўшиб бериш, бошқа рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқариш мақсадида товарларни вақтинча таннархидан паст нархда сотиш ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

“Йўл харитаси” соҳани қайта кўриб чиқади

Амалдаги қонунчиликда фақатгина статистик маълумотларга асосланиб корхонанинг тегишли бозордаги улуши ҳисоблаб чиқилиб, агар улуши 50 фоиз ёки ундан юқори бўлса, у монопол корхоналар рўйхатига киритилган. Бу ҳеч қандай қонунбузарликни содир қилмаган корхоналарни ҳам рўйхатга киритиб, бир қатор қўшимча ҳисоботларни талаб этиш ва бюрократизмга олиб келарди. Янги ёндашув бўйича эса фақатгина устун мавқеини суиистеъмол қилган монопол корхоналарга нисбатан чора кўрилади, яъни эндиликда корхонага бозордаги хатти-ҳаракатига қараб баҳо берилади.

Монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартиришга қаратилган “йўл харитаси”нинг асосий вазифаси монопол соҳаларни қайта кўриб чиқиб, нимага бу бозорларда рақобат ривожланмаётганини ўрганиш, тегишли бозорга кириш тўсиқларини аниқлаш ҳамда уларни олиб ташлаш ва мазкур бозорларга хусусий сектор фаолиятини енгиллаштиришдир.

Масалан, ҳозирги таҳрирдаги “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунга амалда рақобатни ривожлантирса бўладиган бир қатор соҳалар ҳам кириб қолган. Бу ушбу соҳага кирмоқчи бўлган ҳар қандай корхонанинг фаолияти ва нархлари давлат томонидан бошқарилади, бу эса унинг инвесторлар ва ишбилармонлар учун жозибадорлигини йўқотади, деганидир. “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонунни қайта кўриб чиқиб, масалан, темир йўл тизимида йўловчи ва юк ташиш хизматларини, энергетика соҳасида электр энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш хизматларини чиқариб ташлаб, бу соҳаларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, иқтисодиётимизнинг ушбу соҳаларига инвестициялар киритиш, янги иш ўринлар яратиш имкониятлари мавжуд.

Энг заиф жойимиз — кадрлар масаласи

Тан олиш керак, шу кунга қадар рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллашда чуқур иқтисодий назария, юриспруденция ҳамда амалий билим ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизими яратилмаган эди. Масалан, олий таълим тизимида фақатгина 1 та муассасада (Тошкент давлат иқтисодиёт университети) магистратура босқичида монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш йўналиши ташкил қилинган. Шунга кўра, нуфузли иқтисодий таълим муассасаларида монополияга қарши тартибга солиш ва рақобатни ҳимоя қилиш бўйича алоҳида курслар, таълим йўналишларини очиш мақсадга мувофиқ. Шу орқали монополияга қарши органнинг институционал салоҳиятини ошириш мумкин.

Қонун лойиҳасидан нималар ўрин олади?

Йиғилишда Монополияга қарши курашиш қўмитасини парламент ҳузуридаги органга айлантириш ва бу билан унинг мустақиллигини таъминлаш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи ўртага ташланди. Бу жараёнда шу кунга қадар қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги, “Табиий монополиялар тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонуности ҳужжатлар қайта кўриб чиқилади. Улардаги бугунги замон талабларига мос келмайдиган, эскирган бандлар олиб ташланиб, бутунлай янги тизим яратилади. Бир сўз билан айтганда, картель, устун мавқеи суиистеъмол қилиш, ноҳалол рақобат, давлат харидлари, иқтисодий концентрацияга рухсат бериш қоидалари замонавий ва ҳозирги давр талабига асосан ишлаб чиқилади.

Бағрикенглик

КЕЧИРИМЛИЛИК ҲАМ АДОЛАТДАНДИР

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

Ҳар бир инсон кимлигидан, қайси миллатга мансублигидан, ижтимоий келиб чиқиши ва диний қарашларидан қатъи назар, давлат ҳимоясида бўлади. Бу ҳимоя турли йўллар билан амалга оширилади. Шулардан бири жиноят содир қилган ва жазо ўташ жараёнида қилган жиноятидан тўғри хулоса чиқарган, қилмишидан пушаймон бўлган, жабрланувчиларга етказилган зарарларни қоплаган жисмоний шахсларни кечиришдир.

Демократия қоғозда эмас, амалда бўй кўрсатган юртда инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланади, кечиримлилик сиёсати амал қилади. Бунда бировнинг манфаати ўзганинг тинч ва фаровон ҳаётига дахл кўрсатмай, тарозининг ҳуқуқ ва бурч палласи тенг ушланган ҳолда ислоҳотлар ўтказилади. Конституциямизнинг 20-моддасида “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”, дея қайд этилгани фикримизга исбот бўла олади.

Оқилона сиёсат яхшига рағбат, ёмонга жазо бериш ва бу борада олтин ўрталикни, меъёрни ушлашдир. Зеро, рағбатдан ҳам, жазодан ҳам мақсад бир: тарбия бериш, сабоқ чиқаришга имкон яратиш, шахс сифатида такомилга етказиш.

Бу дунё эзгулик ва ёвузлик устига қурилган. Кўзимизни қувнатувчи, дилларга сурур бағишловчи ижобий воқеалар қатори манфур иллатлар ҳам учраб туради. Нафақат юрт, балки бутун инсоният манфаати йўлида меҳнат қилаётган, эл қаҳрамонига айланган ватандошларимиз борлиги бошимизни кўкка етказса, гуруч ичидаги айрим “қурмаклар” ўйга толдиради. Аммо давлат жамиятнинг ҳеч бир аъзосига бефарқ эмас. Муаммо такрорланмаслиги, айб иш худди касаллик каби қайталанмаслиги учун зарур чоралар мунтазам равишда кўрилади. Жумладан, юртимизда жиноятлар профилактикасига катта эътибор қаратилган. Хавф гуруҳидагиларни аниқлаш, жиноятларнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари доим кун тартибидаги долзарб масалалар қаторидан ўрин олган.

Шубҳа йўқки, жиноятга жазо муқаррар. Ноқобил инсон ноўрин хатти-ҳаракатига яраша жазоланиши ҳеч ким инкор этмайдиган ҳақиқатдир. Аммо демократик тузум қарор топган, инсонпарварлик тамойилларига амал қилинадиган юртда тарбиянинг турли самарали усуллари қўлланилади. Бу айбдорни кечириш, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлганнинг узрини қабул қилишдир.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг. Кечириш мамлакатимиз қонун ҳужжатларига мувофиқ икки усулда амалга оширилади — амнистия ва афв этиш. Бош қомусимизнинг 93-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритади ва судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

Сўнгги йилларда барча соҳалардаги изчил ислоҳотлар каби бу борадаги чора-тадбирлар ҳам янги босқичга кўтарилди. 2018 йили Президентимиз фармони билан Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Жазодан озод қилишда, асосан, вояга етмаганлар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳам юртимизда инсонпарварлик тамойиллари ҳамда ижтимоий ҳимоя устувор эканини кўрсатади. Энг муҳими, амнистия акти қўлланилганида айбига пушаймонлигидан, жиноят орқасида етказилган зарарни қоплаган-қопламаганидан қатъи назар, жазодан озод этиларди. Афв актида эса айнан тузалиш йўлига кирганлар бу имкониятдан фойдалана олади, холос.

Амалдаги ҳуқуқий меъёрларда қайд этилганидек, афв муайян шахслар учун, уларнинг шахсини тавсифловчи маълумотларни (ёши, соғлиғининг ҳолати, оилавий аҳволи) инобатга олиб, жазодан озод қилишдир. Фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинадиган авф айнан аниқ шахсларга қаратилганлиги, фақат Президентимиз томонидан эълон қилиниши билан янада аҳамиятлидир. Таъкидлаб ўтиш жоиз, афв акти алоҳида изчил инсонпарварлик, меҳнат, таҳлил ва эътибор талаб қиладиган жараён ҳосиласидир. Бунда махсус ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан якка тартибда суҳбатлар ўтказади, тегишли хулосалар чиқаради. Шундан кейингина афвни қўллаш масаласини Президент ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

Президентимизнинг яқинда, муборак Рамазон ҳайити арафасида эълон қилинган “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда мазкур қадриятлар бардавом эканини яна бир бор исботлади.

Фармонга мувофиқ, 258 фуқаро афв этилди. Бу диёримиздаги шунча хонадонга қувонч кирди, оилалар бир аъзосининг қайтиши билан бут бўлди, демакдир. Катта умид ва юксак ишонч билан айтамизки, ушбу фуқаролар тўғри йўлга қайтди, ҳаётдан тегишли сабоқни чиқарди ва ўзини хатолардан асрашни ўрганди. Афв этилган шахсларнинг 16 нафари асосий жазодан озод этилади, 101 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 24 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, 117 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди. Афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 1 нафарини аёл, 7 нафарини чет давлат фуқаролари ташкил этади.

Афв этилганларнинг 164 нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этди. Бу бир қарашда наҳотки, деган саволни келтириб чиқаради. Аммо таъкидлаш жоизки, инсон адашади, хато қилади. Энг муҳими, хатони тан олиш ва ундан пушаймон бўлишдир. Буни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди. Бунинг учун қалб керак, юрак керак.

Бинобарин, фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Доно халқимизда “Касални даволагандан кўра, олдини олган афзал”, деган ҳикматли нақл бор. Шу маънода айтганда, муаммо пайдо бўлгач, уни бартараф этгандан кўра, барча кучимизни ана шу нохушлик содир бўлишини олдиндан кўра билиш ва унинг юзага чиқмаслиги учун курашишга қаратиш тўғри қарордир.

Қолаверса, кечиримлилик халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Зотан, кечиримлилик адолатдан ҳамдир. Кечирилган одам — айбини ҳис этган, уни асло такрорламайдиган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тўғри йўлга тушиб олишга қодир инсон. Боз устига, бу, албатта, халқнинг янада бир бутун бўлиб жипслашишига, эртанги кунга ишончи ортишига, жамиятимизда меҳр-оқибат фазилати кучайишига хизмат қилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллиард 275 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бугунги кунда уни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида конда уч сменада иш ташкил этилиб, 1 минг 500 нафардан ортиқ ишчи-ходим, турли русумдаги 330 дона замонавий техника жалб этилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 30 май, 96-сон

Тараққиёт мезонлари

УЛКАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР



Муҳаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

"Олмалиқ КМК" АЖда металлургия комплекслари ва мис бойитиш фабрикалари барпо этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажми 3 баравар ошиб, мис ишлаб чиқариш 400 минг тонна, олтин — 50 тонна, кумуш — 270 тоннага етказилади ва 10 мингта янги иш ўрни яратилади

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Жаҳон металлургия саноати ҳақида гап борганда, одатда АҚШ ва Канаданинг Буюк кўллари атрофи, Хитойнинг Шимолий-шарқи, Германиянинг Рур, Россиянинг Уралидаги машҳур конлар ва улкан ишлаб чиқариш қувватлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Айни пайтга келиб, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг ҳам дунё турдош корхоналари ўртасидаги мавқеи тобора мустаҳкамланяпти.

Жамият мис қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик 30 та корхона қаторида туради. Йигирмага яқин турдаги маҳсулотини дунёнинг 16 давлатига экспорт қилади. Ўз таркибида кончилик, металлургия, кимё, геологияқидирув, транспорт, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларни қамраб олган қирқдан ортиқ бўлинмада 40 мингга яқин ишчи-ходим меҳнат қилади.

Ҳозирги вақтда мажмуа томонидан Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги қимматбаҳо ва рангли металлар энг илғор технологиялар асосида, етакчи хорижий компаниялар ҳамкорлигида жадал ўзлаштирилмоқда. Кейинги пайтда харидоргир маҳсулотлар тури ошди, уларнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилиняпти. Унинг мамлакат умумий экспорт ҳажмидаги улуши 10 фоизга яқинлашиб қолди.

Бундан уч кун олдин давлатимиз раҳбарининг "Олмалиқ КМК" АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Президентимиз шу куни инвестиция масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур ҳужжатга кўра, металлургия комплекслари ва 2 та мис бойитиш фабрикаси барпо этиш орқали мис ва олтин ишлаб чиқариш ҳажми 3 баравар оширилиб, мис ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 400 минг тонна, олтин — 50 тонна ва кумуш — 270 тоннагача етказилишини таъкидлади. Бу эътирофнинг ўзи ҳам мазкур лойиҳанинг улкан салоҳиятини яққол кўрсатиб турибди.

— Аслида бу борадаги ишларга Президентимизнинг 2017 йил 11 августда комбинатимизга ташрифи чоғида Ёшлик конини ўзлаштириш ишларини бошлашга старт берилган пайтда киришилган эди, — дейди "Олмалиқ КМК" АЖ бош директори Абдулла Хурсанов. — Орадан бир йил ўтиб, жамият давлат-хусусий шериклик асосида "SFI Management Group" хорижий компаниясининг ишончли бошқарувига ўтказилди ва бошқа инвестициявий лойиҳалар қатори Ёшлик-1 конини ўзлаштиришга ҳам катта эътибор бериб келинади.

Қарорга биноан, мазкур лойиҳани икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Унинг дастлабки босқичида 2020–2024 йиллар давомида конни ўзлаштириш ишлари давом этади, йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишловчи янги 3-мис бойитиш фабрикаси қурилади. Фабрикани барпо этиш ва инфратузилма объектлари учун Тошкент вилояти ҳудудидан 3 минг 768,8 гектар ер майдони ажратилмоқда.

2021–2025 йиллардаги иккинчи навбатдаги ишлар доирасида мис эритиш заводи ишлаб чиқариш қуввати оширилиши ва реконструкция қилиниши кўзда тутилган.

3-мис бойитиш фабрикасини қуриш учун бош пудратчи сифатида "Renaissance Heavy Industries" МЧЖ (Россия) "тайёр ҳолда топшириш" шартлари асосида жалб этилади. Бу борада кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида комбинатда маҳаллий хомашёдан олинадиган мис катодининг ҳажми ҳозирги 108 минг тоннадан 290 минг тоннага, олтин 15 тоннадан 38 тоннага, кумуш 96 тоннадан 203 тоннага етказилиши назарда тутилган.

Кейинги босқичда 2022-2027 йилларда карьер кенгайтирилади, йилига 50 миллион тонна маъданни қайта ишловчи янги 4-мис бойитиш фабрикаси қурилади.

2024–2028 йилларда металлургия мажмуаси объектларини лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш, қурилиш ишларини бажариш орқали йилига мис катоди ишлаб чиқариш ҳажми 400 минг тоннага, олтин 50 тонна ва кумуш 270 тоннага етказилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллиард 275 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бугунги кунда уни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида конда уч сменада иш ташкил этилиб, 1 минг 500 нафардан ортиқ ишчи-ходим, турли русумдаги 330 дона замонавий техника жалб этилган. Чунки маъдан қатламига етиш учун 117 миллион тонна тупроқ ва тоғ жинсларини олиш керак.

Қазиб олинган хомашёни 3-мис бойитиш фабрикасига ташиш учун қуриладиган конвейер ва ускуналарни етказиб бериш бўйича танлов якунланди, шартномалар расмийлаштирилмоқда. Айни чоғда конвейерларни қуриш учун трассани тайёрлаш ишлари ҳам давом этяпти.

Йиллик қуввати 60 миллион тонна бўлган 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Объект қурилиши учун зарур бўлган инфратузилмалар, йўллар барпо этиляпти. Бундан ташқари, фабрикани бунёд этишга ҳозирлик жараёнида 1,3 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Энг муҳими, истиқболда ушбу инвестиция лойиҳаси 10 мингдан зиёд ишчи ўрни яратилишига замин бўлади.

Ҳақиқатан, белгиланган ишлар кўлами ва унинг ишлаб чиқариш қувватлари улкан. Қизилолма кони базасида Самарчуқ ерости кони қурилиши лойиҳасининг имкониятлари ҳам чакки эмас.

— Бу ерда 71,5 миллион доллар миқдорида инвестиция ўзлаштирилиши туфайли таркиби олтинга бой 100 минг тонна маъдан қазиб олинади ва 270 га яқин янги иш ўрни яратилади, — дейди комбинат инвестиция департаменти бошлиғи Камолиддин Салимов. — Ҳозирги кунда бу ерда кончилик ишлари билан боғлиқ жараёнлар давом этяпти.

Яна бир лойиҳа асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш дастурига киритилган бўлиб, унга кўра, 2019–2022 йилларда мис бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари қувватларини модернизация қилиш ва янгилаш кўзда тутилган. Лойиҳанинг бажарилиши натижасида 357,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштириш билан бир қаторда корхонанинг нафақат жорий ишлаб чиқариш қувватлари янгиланади, балки атроф-муҳитга чиқарилаётган чиқинди ҳамда заҳарли газлар миқдори сезиларли даражада камайишига эришилади. Ҳозирги кунда объектларда таъмирлаш ва тиклаш, қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Истиқболдаги лойиҳалар улкан ва кенг қамровли экан, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар салмоғи қандай тош босмоқда, деган савол туғилади.

— Ўтган тўрт ой давомида амалдаги нархларда товар маҳсулотларининг башорат кўрсаткичи, мис катоди, металли рух ишлаб чиқариш режаларининг таъминланиши эвазига ўсиш суръати 111,2 фоизни ташкил этди, — дейди "Олмалиқ КМК" АЖ бош директори Абдулла Хурсанов. — Карантин туфайли кўплаб корхоналар фаолияти вақтинча тўхтаётган бир пайтда биз қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдик.

— Аслида бу борадаги ишларга Президентимизнинг 2017 йил 11 августда комбинатимизга ташрифи чоғида Ёшлик конини ўзлаштириш ишларини бошлашга старт берилган пайтда киришилган эди, — дейди "Олмалиқ КМК" АЖ бош директори Абдулла Хурсанов. — Орадан бир йил ўтиб, жамият давлат-хусусий шериклик асосида "SFI Management Group" хорижий компаниясининг ишончли бошқарувига ўтказилди ва бошқа инвестициявий лойиҳалар қатори Ёшлик-1 конини ўзлаштиришга ҳам катта эътибор бериб келинади.

Кўзда тутилган вазифаларни бажариш орқали йил охиригача қўшимча 568 миллиард 709 миллион сўм ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаймиз. Пандемия туфайли жаҳон бозорида нархларнинг пасайишига қарамай, ўз олдимизга қўйган режа-кўрсаткичларни уддалаш ҳисобига қўшимча 78,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконига эга бўламиз.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва барқарорлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш давом этяпти. Унга асосан, йил охирига бориб маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи 587 миллиард сўмга (248,1 миллиард сўмлик башорат кўрсаткичига қўшимча равишда) камайтирилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, ёлғиз пенсионерлар, Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар олдидаги ижтимоий мажбуриятлар ҳам бажариб бориляпти. Бегараз ҳомийлик ёрдамлари ҳам кўрсатиб келиняпти.

Дарвоқе, яна бир гап. Республика инқирозга қарши комиссиясининг жорий йил 12 майдаги баённомасига мувофиқ, "Олмалиқ КМК" АЖ мамлакатимизнинг энг йирик корхона ва бирлашмалари орасида энг даромадли (рентабелли) субъект(лардан бири), деб топилди. Бу эътироф ҳам комбинат жамоасининг улкан инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун катта салоҳиятга эга эканини яна бир карра намоён этиб турибди.

Тажриба

КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ

Хонобод шаҳри ва Юқори Чирчиқ туманларида ўрганилмоқда

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Камбағаллик нафақат муайян аҳоли қатлами, балки жамият ва давлат ривожланиши, тараққиётига тўсиқ бўлувчи ғовдир. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бевосита аҳоли турмуш тарзининг фаровонлиги, яшаш шароити ва камбағаллик даражаси кўрсаткичларига боғлиқ.

Бугун юртимизда, аввало, инсоннинг фаровон ҳаёти, қолаверса, давлатимиз тараққиётини таъминлаш мақсадида аҳоли орасида камбағалликни қисқартиришга қаратилган қатъий чоралар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва камбағалликни қисқартириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириққа асосан, ҳудудларда камбағаллик даражасини ўрганиш бўйича кузатувлар бошланди.

Илк кузатувлар тажриба тариқасида 18 майдан Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри, 20 майдан Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида яшовчи аҳолини тўлиқ қамраб олган ҳолда Давлат статистика қўмитаси ходимларидан иборат махсус ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида ўтказилмоқда.

— Синов тариқасида танлаб олинган Хонобод шаҳрининг 14 та, Юқори Чирчиқ туманининг 47 та маҳалласида кузатувлар олиб бориш йўлга қўйилган, — деди Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Қобил Бердиқулов. — Кузатувлар жараёнида уйма-уй юрган ҳолда, сўров усули асосида маҳаллаларда яшовчи оилаларнинг яшаш шароити, жумладан, оила аъзолари сони, тадбиркорлик билан шуғулланувчилар, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишловчилар, ногиронлиги бўлган шахслар сони, ўртача ойлик даромадлари ва харажатлари, яшаш хоналарининг майдони, томорқа ер майдони, уй ҳайвонлари ва шахсий автомобилнинг мавжудлиги, тиббий хизматларга ҳақ тўлаш имкониятлари каби 22 та кўрсаткич бўйича ахборотлар тўпланяпти. Жараёнда аҳолининг даромад ва харажатлари билан бирга ўзини ўзи субъектив баҳолаши ҳам инобатга олинади. Шунингдек, бир қанча кўрсаткичлар асосида кўп қиррали камбағаллик даражаси шакллантирилади. Бунда аҳолининг неча кунда гўштли овқат ейиши, асосий эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси, ишсизлиги каби жиҳатлар ўрганилади.

Ҳудудларда ўтказилаётган кузатувларни амалга оширишга Хонобод шаҳрида 50 та, Юқори Чирчиқ туманида 70 та инструктор, интервьюер ҳамда маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун оператордан иборат ишчи гуруҳ бириктирилган.

10 минг 500 дан ортиқ хонадон истиқомат қиладиган Хонобод шаҳри ва 30 мингдан ортиқ оила яшайдиган Юқори Чирчиқ туманида умумий ўрганиш ишлари якунига етгач, олинган натижалар асосида мазкур ҳудудлардаги аҳолининг камбағаллик даражаси бўйича ҳукуматга тегишли хулосалар тақдим этилади.

Ҳуқуқ

Аҳолига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий имкониятлар яратиш мақсадида Адлия вазирлиги ташаббуси билан Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида "Citizens Advice" тармоғи тажрибаси ўрганилди.

БЕПУЛ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

Энг кўп мурожаатлар оила муносабатлари, уй-жой, коммунал ҳамда суд-ҳуқуқ масалаларига оид

"Citizens Advice" мустақил хайрия ташкилоти ҳисобланади ва Буюк Британияда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш фаолияти билан шуғулланади. Ушбу халқаро тажрибадан келиб чиқиб яратилган "Advice.uz" ҳуқуқий ахборот портали мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш имкониятини яратмоқда.

Порталдан фойдаланувчилар меҳнат ва оилавий муносабатлар, ижтимоий ҳимоя, уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар бўйича зарур ва фойдали маълумот олмоқда.

Бу йўналишда ишларни аҳолига янада яқинлаштириш учун "Мадад" муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг вилоят бўлинмалари, туманларда ҳуқуқий маслаҳат бюролари ташкил этилган эди. Ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида ушбу ННТ томонидан қандай муҳим чора-тадбирлар ва лойиҳалар амалга оширилди? "Мадад" ННТ ижрочи директори Тўлқин ТУРСУНОВ билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

— Халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш долзарб вазифа, — дейди Тўлқин Турсунов. — Муассасамизнинг telegram, youtube каналлари, Instagram ва facebook ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларига фойдаланувчилар учун мингдан ортиқ ахборот ва маълумот, савол-жавоб ҳамда видеоинтервьюлар жойлаштирилди.

advice.uz
Huquqiy axborot portali

2020 йил январь ойидан бошлаб мурожаатларни онлайн тарзда юбориш учун қулайлик яратиш мақсадида телеграм бот ишга туширилди. Онлайн мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳатчилар томонидан реал вақт режимида кўриб чиқилади. Яъни битта мурожаат қабул қилиб олингандан кейин уни кўриб чиқиш учун 5 дақиқадан 15 дақиқагача вақт сарфланади.

Муассасанинг расмий сайти ҳисобланган "Advice.uz" (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталида ўтган давр мобайнида 130 мингдан ортиқ фойдаланувчи ҳуқуқий маълумотлар ва ахборотлар билан танишиб чиққан. Шулардан 80 мингдан ортиғи Ўзбекистон, 50 мингга яқини 85 та бошқа хорижий давлат (Колумбия, Россия, АҚШ, Буюк Британия Хитой, Украина каби) ҳудудидан туриб фойдаланган.

Порталнинг афзалликларидан бири шуки, агар фойдаланувчи ўзига зарур маълумот ёки ахборот билан танишиб чиққач, унда бошқа қўшимча савол пайдо бўлса, ўша заҳоти саволини онлайн маслаҳатчига юбориш ва ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятига эга.

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши карантин эълон қилингач, порталдан фойдаланувчилар учун "covid-19 инфо мадад/уйда қолинг" деб номланган янги бўлим очилди ва унга коронавирус билан боғлиқ долзарб маълумотлар ҳамда савол-жавоблар киритилди.

— "Мадад" муассасаси аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганми?

— Бу йўналишда Тошкент давлат юридик университети билан юридик кадрларни тайёрлаш ва аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси билан келишилган ҳолда 2020 йилда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Халқаро ҳамкор ташкилотлар билан "Advice.uz" (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталининг янгиланган интерактив сайтини яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, фуқароларга янги имконият ва қулайликлар яратиш мақсадида эксперт-маслаҳатчиларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш, сайт ҳақида фикр қолдириш, маълумотларни "Smart search" (ақлли қидирув) услубида излаш, форумда таклифлар бериш каби кўплаб функциялар киритилмоқда. Шунингдек, муассаса томонидан бизнесга кўмак берувчи янги "Advice.uz for business" (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, мазкур сайтга тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумот ва ахборотлар (контентлар) жойлаштириш, тадбиркорларга онлайн маслаҳатлар бериш, форумда таклифлар қолдириш ва бошқа функцияларни киритиш режалаштирилган.

— "Мадад" ННТнинг ҳудудлардаги бюролари фаолияти қандай натижа беряпти?

— Аҳолига, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида 2019 йил ноябрь-декабрь ойларида муассасанинг 16 та туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюроси ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг 1-чорагида 40 та ҳудудий бюро очилди. Ушбу бюроларга тайинланган бош мутахассислар танлов асосида сараланди. Фуқаролар бевосита ҳудудий бюроларга бориб, ўзларини қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат ва тушунтириш ҳамда турли ҳуқуқий ҳужжатлар намуналарини расмийлаштириш ёки тақдим этиш йўли билан мутлақо текин амалий ёрдам олишлари мумкин.

Муассасанинг ҳудудий бюроларига улар ташкил этилганидан ҳозирги кунга қадар 11 минг нафарга яқин фуқаро бевосита мурожаат этган ва бепул юридик ёрдам олган. Келиб тушган мурожаатлар таҳлили уларнинг кўп қисми оила муносабатлари, уй-жой ва коммунал ҳамда суд-ҳуқуқ масалаларига оидлигини кўрсатмоқда.

MADAD
MUASSASA SHAKLIDAGI NODAVLAT NOTIJORAT TASHKILOTI

Бир сўз билан айтганда, аҳолига бепул ҳуқуқий кўмак бериш борасида яратилган замонавий имкониятлардан ҳар бир инсонни, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни бахраманд этишга эътибор тобора кучаймоқда. Бу чора-тадбирлар оилаларда, маҳаллаларда тинчлик-тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий билим ва дунёқарашини бойитиш орқали жамиятда қонун устуворлигини кучайтиришга замин бўлмоқда.

"Янги Ўзбекистон" мухбири
Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.

Жаҳонда кенг фойдаланиладиган гидропоника усулидаги иссиқхона инновацион технологияларга асосланган бўлиб, унинг барча қурилмалари электрон тарзда бошқарилади. Масалан, плёнкалар қишда қуёш нурини 20 баробар кучли қилиб узатиш имкониятига эга.

Бахмал қирларида

СИФАТЛИ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ КЕНГАЯДИ

Худойберди КАРИМОВ,
журналист

Асосий майдони тоғ ва тоғолди ҳудудлардан иборат Жиззах вилоятининг Бахмал тумани ҳақида гап кетганда, яқин-яқингача "олмалар макони", деган ибора кўп ишлатиларди. Дарҳақиқат, нафақат Ўзбекистон, балки вилоятнинг ҳам овлоқ ҳудудларидан бири саналган ушбу туман заминида пишиб етилган "Беш юлдуз", "Крепсон" "Голден стар", "Бойка", "Жонар", "Семеренко" навли олмалар донг таратган бўлиб, уларни нафақат юртимиз, балки яқин-узоқдаги хориж давлатлари бозорларида ҳам учратиш мумкин.

Кейинги уч-тўрт йил ичида мамлакатимизда юз бераётган янгилик ва ўзгаришлар, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафаси Бахмалда ҳам сезила бошлади. Натижада муқаддам фақатгина олмалари билан машҳур бўлган ушбу туманнинг бошқа йўналишлар, жумладан, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида ҳам имконияти ва салоҳияти мавжудлиги кўзга ташланди.

— Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кенгайтириш йўли билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, юртдошларимизнинг сифатли ва экологик тоза маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган ҳужжатлар белгилаб берилган вазифаларни бажаришда муҳим дастуруламал, ўзига хос "йўл харитаси" вазифасини бажариши шубҳасиз, — дейди Бахмал тумани ҳокими ўринбосари Дилшод Умаров.

Картошкачиликда ҳам тажриба етарли

Бахмал туманининг айрим ҳудудлари соҳибкорлари азалдан картошкачилик билан шуғулланиб келади. Жиззах воҳасидаги деҳқон бозорларини йил давомида, асосан, улар томонидан етиштирилган айнан шу маҳсулот тўлдириб туради. Битта шу фактнинг ўзи бахмалликларнинг картошкачилик соҳасида ўзига яраша яхшигина тажриба, кўникмага эгалигидан далолатдир.

Бундан бир ярим йил аввал Бахмал тумани ҳокимлиги ва Украина Давлат картошкачилик илмий-тадқиқот институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Ушбу ҳужжат асосида жорий йил эрта кўкламда "Суннатулла Исроилов" ва "Тонготар даласи" фермер хўжаликлари ҳудудида 4 гектар майдонга уруғлик картошка экилди. "Жиззах картошкачилик маркази" МЧЖ мутахассислари иштирокида келтирилган уруғлик яна бир бор сараланиб, у экиладиган майдон обитобига келтирилди. Ундириб олинган экинларга меъёрида маҳаллий ва минерал ўғит берилиши, сувдан оқилона фойдаланиш назоратга олинди. Қатор ораларига сифатли ишлов берилиб, зараркунандаларга қарши кураш ишлари вақтида бажарилди. Бугун эса миришкорлар ва тажрибали мутахассислар амалга оширилган ана шу ишларнинг натижаси ижобий бўлишига умид боғлаб турибди.

Табиат қўйнида дам олинг

Бахмал вилоятнинг табиати ва иқлими ўзига хос туманларидан бири. Ойқор тоғи чўққисидаги қорлар саратон жазирамасида ҳам узоқ-узоқлардан ялтираб кўриниб туради. Айрим ҳудудлар эрта баҳордан кеч кузгача зумрад тусга бурканади. Новқа, Музбулоқ, Оқтош каби қишлоқлар номининг ўзиёқ, уларнинг сўлим ва фусункорлигидан дарак. Туман раҳбарияти, аҳолиси, маҳаллий тадбиркорлар эндиликда ана шу жуғрофий ва табиий ўзига хосликдан унумли фойдаланиш йўлларини қидирмоқда.

Бахмал давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Убайдулла Абдуллаевнинг сўзларига кўра, 2019 йилда туризм инфратузилмасини барпо этиш мақсадида маҳаллий тадбиркорлардан жалб қилинган 8,3 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари ўрмон хўжалиги ҳудудида меҳмон уйлари, кемпинглар, дам олиш масканлари, осма йўл қуриш учун сарфланиши режалаштирилаётир.

— Коронавирус пандемияси сабаб эълон қилинган карантин бу борадаги жорий йилги ишларимизни бироз ортга суриб турибди. Шундай бўлса-да, бугунгача яна 3 ярим миллиард сўмлик шартномалар тузишга муваффақ бўлдик, — дейди Убайдулла Абдуллаев.

Бахмалда заъфарон етиштирилади

Бахмалда заъфарон доривор ўсимлигини парваришлаш ва ҳосилини қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхона фаолият бошлаган, бунинг учун анчагина катта ер майдони ажратилган.

— Биз Италиянинг "Opera SRL" компанияси билан ҳамкорликда Бахмал тумани ҳудудида умумий қиймати 25 миллион еврога тенг заъфарон етиштириш ва уни қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича инвестиция шартномаси имзолаганмиз, — дейди "BMB Trade Group" компанияси бош директори Азиз Маматқулов. — Уни амалга ошириш мақсадида бизнинг Ўзбекистон — Италия қўшма корхонамиз ташкил этилиб, тасарруфига Тонготар қишлоғи ҳудуди яқинидан 400 гектар экин майдони ажратилди. Биз фаолиятимизни кластер усулида ташкил этамиз ва яқин келажакда ер майдонимизни минг гектардан ошириб, занжабил, тимьян, кекик каби бошқа доривор ўсимликларни ҳам етиштириш ва қайта ишлаб, экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Заъфарон экиш учун ер тайёрлаш ишлари бугун-эрта бошланиб кетади. Экин туганак пиёзлари эса июль ойида Италиянинг Пьяченца шаҳридан келтирилади. Айнан ана шу шаҳарда жойлашган қишлоқ хўжалиги институтининг олим ва агрономлари билан коронавирус пандемияси сабаб ҳозирча онлайн мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Улардан заъфарон экиладиган майдонларни тайёрлаш, унгача бўлган агротехник тадбирларни қай йўсинда амалга ошириш борасида маслаҳатлар олинмоқда.

— Халқаро авиақатновлар йўлга қўйилиши билан италияликлар Ўзбекистонга келади, қўшма корхонамизнинг 10 нафардан ортиқ мутахассиси Италияга бориб, малака ошириш имкониятига эга бўлади. Заъфарон ўсимлиги гулларини териш жараёнига камида 20 минг кишини жалб этиш, бошқача айтганда, қарийб шунча одамни вақтинча бўлса-да, иш билан таъминлаш имконияти яратилади, — дея қўшимча қилади Азиз Маматқулов.

Бахмалда етиштириладиган заъфарон шу ернинг ўзида қайта ишланади. Бунинг учун Европадан барча зарурий технологиялар келтирилади. Тиббиёт, фармацевтика, парфюмерия ва гастрономия соҳаларида ишлатилувчи ушбу қимматбаҳо маҳсулот сифатининг жаҳон андозаларига тўғри келишини таъминлаш мақсадида шу даланинг ўзида махсус лаборатория иш бошлайди. Тайёр маҳсулотнинг тўлиқ экспорт қилиниши ҳам кафолатланади.

"BMB-Opera zafferano"нинг режалари катта. Жамоа Европанинг замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи компаниялари билан ҳамкорликда машина-трактор парки ташкил этиш, улар билан туманнинг аграр соҳадаги бошқа субъектларига ҳам хизмат кўрсатишни кўзламоқда. Шунингдек, гилос, олма, шафтоли етиштириладиган интенсив боғлар яратиш, полиз ва сабзавот маҳсулотларини парваришлашга мўлжаллаган замонавий иссиқхоналар қуриш, агрологистика мажмуаларини барпо этиш каби бошқа қатор инвестицион лойиҳалар бор.

BMB-Opera Zafferano

Хуллас, бахмалликлар энди фақат ширин олмаларнигина кўз-кўз қилиш билан чегараланиб қолмайди. Зеро, туманда етиштирилган ёки тайёрланган янада кўп ва ранг-баранг маҳсулотларнинг ички ва ташқи истеъмол бозорига тақдим қилинишига яқин кунлар қолди...

Тадбиркорлик

КОКОС ПЎСТЛОҒИДА УНГАН НЕЪМАТЛАР

замонавий иссиқхонада мўл ҳосил беради

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Юртимизда катта ер майдонларида замонавий иссиқхоналарни барпо этиб, уларда серҳосил, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш оммалашиб бормоқда. "Қашқадарё парник тараққиёт инвест" МЧЖ раҳбари Асомиддин Раҳмонов ҳам 14 гектар ерда гидропоника усулида инновацион иссиқхонани ишга тушириб, 240 нафар ёшни иш билан таъминлади.

Бозор талабларидан келиб чиқиб, ҳозир иссиқхонанинг 10 гектарида помидорнинг пуштиранг нави, 4 гектарида эса бодринг етиштирилмоқда.

Тирикчиликнинг нони қаттиқ, деганлари бор гап. Асомиддин ака ҳам турли йўналишларда меҳнат қилди. Лекин кўнгли тўлмади, фойдаси ҳам инмади. Ниҳоят, тадбиркорлик жиловини қўлга олиш ҳаракатига тушди.

Унинг замонавий иссиқхона қуриш ташаббусини қўллаб-қувватлаган Қарши шаҳар ҳокимлиги 32 гектар ер майдони ажратди. Катта ишни бошлаш, табиийки, катта маблағни талаб этади. Шу боис, Асомиддин Раҳмонов хорижий линиянинг валюта кредити асосида 5 миллион АҚШ доллари олиш учун банк билан 7 йиллик шартнома имзолади. Гидропоника усулидаги иссиқхонанинг барча қурилмаларини олиб келиб, ажратилган ер майдонида қуриш бўйича Жанубий Кореянинг "Myung Sung Placon Ltd" компанияси билан келишувга эришди. Шу тариқа 2019 йилнинг июнь ойида қурилиш ишлари бошланиб, 2020 йил январь ойида замонавий иссиқхонанинг 14 гектар қисми тўлиқ ишга туширилди.

— Барча соҳаларга илғор технологияларни олиб киришга қаратилган тезкор чора-тадбирлар халқимизни чин маънода тадбиркорликка ўргатяпти, — дейди Асомиддин Раҳмонов. — Фақат машаққатлардан қўрқмасдан, олдимизга қўйилган мақсад сари дадил ҳаракат қилиш керак, холос.

Қаҳрамонимизнинг айтишича, жаҳонда кенг фойдаланиладиган гидропоника усулидаги иссиқхона инновацион технологияларга асосланган бўлиб, унинг барча қурилмалари электрон тарзда бошқарилади. Масалан, плёнкалар қишда қуёш нурини 20 баробар кучли қилиб узатиш имкониятига эга. Ёзда эса бу нурларни қайтарадиган тўрлар ёрдамида салқин ҳароратни таъминлайди. Қиш ойларида иссиқхона атрофига ўраладиган махсус электр кўрпалар озгина газ ёқилиши ҳисобига, автоматик тарзда ишга тушади ва ичкаридаги иссиқликни мўътадил сақлаб туради.

Иссиқхонанинг яна бир ўзига хослиги унда кўчат оддий ерга эмас, балки кокос пўстлоқларига экилишидадир. Бунда ерга ортиқча ишлов беришга зарурат қолмайди. Замонавий томчилатиб суғориш усули эса ҳар бир кўчат тагига белгиланган миқдорда сув ва минерал ўғитлар берилишини автоматик тарзда назорат қилиб, илдизларигача етиб боришини таъминлайди. Натижада ниҳоллар касалланмасдан, соғлом етилади. Экспорт қилишдан олдин ўтказиладиган лаборатория текширувларида ҳам уларга инсон саломатлиги учун фойдали, экологик тоза маҳсулот, деган хулоса берилади.

— Оддий иссиқхонага нисбатан гидропоника усулидаги иссиқхонада маҳсулдорлик 3-4 баробар юқори бўлади, — дейди Асомиддин Раҳмонов. — Бир мавсумда 100-120 тонна, йилига 250 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Ҳозир айни пишиқчилик пайти. Ҳосилнинг бир қисми Қозоғистон, Россияга экспорт қилинаётган бўлса, қолган қисми ички бозорда сотиляпти.

Кўпчилик маҳсулотни экспортга ццтайёрлашда унинг сифати узоқ вақтгача сақланиши учун нималарга эътибор бериш кераклиги билан қизиқади. Бу ҳақиқатан бироз нозик жараён. Уни ниҳоллигидаёқ тўғри парваришлашдан бошлаш керак. Ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби минерал ўғитлар, дориларни ҳам белгиланган меъёрдан оширмаслик лозим. Бундан ташқари, пишган маҳсулотни узиш, ташиш, қадоқлашнинг ҳам ўз қоидаси бор. Масалан, пуштиранг помидор нави жуда нозик бўлгани боис, сал нотўғри ушланса ҳам бармоқ изи қолади. Шунингдек, бу турдаги помидорлар узоқ йўлда пишиб, ўтиб кетмаслиги учун озгина қизардими, узиб оламиз. Умуман, бу ишларнинг бари тажриба ва билим талаб этади. Шу боис, бизда бу борадаги барча жараёнлар Туркия, Нидерландиядан келган агрономлар кўрсатмалари асосида амалга оширилади.

Иссиқхонада алмашлаб экиш тизими йўлга қўйилиб, бир йилда икки марта — ёз ва қиш мавсумида кўчат экилади. Помидорларни табиий йўл билан — ари усулида чанглатиш ҳам маҳсулот сифатини таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Бу қўлбола усулларда чанглатишга нисбатан анча самарали бўлиб, натижада помидорлар бир хил ўлчамда, чиройли пишиб етилади. Ортиқча нуқсонлар пайдо бўлмайди. Кесганда ҳам бўшлиқлар учрамайди. Мазали, ички қисми этли ва сувли бўлади.

Бугунги кунда илк ҳосилини олаётган Асомиддин Раҳмонов тез орада иссиқхонани яна 6 гектарга кенгайтириб, иш ўринлари сонини 400 тага етказиш ниятида. Шунингдек, қаҳрамонимиз йил сўнгига қадар маҳсулотларни қайта ишлашга мўлжалланган 2 та миницехни ишга тушириш лойиҳаси устида ишлаяпти. Унга кўра, иссиқхонада пишиб етилган қишки маҳсулотларни дунё бозорларига

экспорт қилиш, ёзгиларини эса цехларда қайта ишлаб, томат, консерва каби тайёр маҳсулотларга айлантириш кўзланган. Бу лойиҳалар экспортбоп маҳсулотларнинг сифати ва салмоғи ортиб, қўшимча иш ўринлари яратишга имкон беради.

Мавсум

ХИРМОН ТЎЛАДИГАН ДАМЛАР ЯҚИН

Гулсум ШОДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бу йилги ёғингарчилик ғалла унумига ижобий таъсир қилди. Бундан миришкорларнинг кўнгли тўқ. Демак, ғалладан мўл ҳосил олиш мумкин. Самарқандлик деҳқонлар ҳам 2020 йил ҳосили учун 101 минг 230 гектар сувли ерда буғдойнинг турли навларини парваришламоқда.

Соҳибкорлар ҳар гектардан ўртача 71,4 центнердан ҳосил кўтариб, 722 минг 780 тонна ғалла хирмони барпо этишни режалаштирган.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан дон қабул қилувчи корхона ва шохобчаларнинг мавсумга шайлик ҳолати ўрганилди. Хусусан, 2020 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини нест-нобуд қилмасдан қабул қилиш мақсадида вилоят бўйича 434 минг 900 тонна донни ўз вақтида ва сифатли қабул қилиш имконияти яратилган.

— Ҳозирга қадар "Самарқанддонмаҳсулотлари"АЖга қарашли 6та, "Жомбойдонмаҳсулотлари" АЖга қарашли 5 та, "Оқтошдон" АЖга қарашли 8 та ҳамда "Жума элеватори" АЖга қарашли 2 та дон қабул қилиш шохобчасида бошоқли дон экинлари ҳосилини қабул қилишга тайёргарлик ниҳоясига етказилди, — дейди инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори Абдували Худоёров. — Мавсумолди тадбирлар давомида жами 26 минг 400 тонна сиғимга эга бўлган айвонлар таъмирланди, 191,6 квадрат метр майдонга асфальт қопламалари ётқизилди, 22 та лаборатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Дон қабул қилиш корхоналарига қарашли 8 та уруғчилик цехи белгиланган тартиблар асосида тахт ҳолга келтирилиб, тарозилар қиёслов кўригидан ўтказилди. Ҳудуд атрофи девор билан ўралган, майдон бегона ўтлардан тозаланиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Шунингдек, инспекция органлари томонидан ўтказилган мониторинг давомида дон қабул қилиш корхоналари амалга оширган ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари билан бир қаторда коронавирус пандемияси давомида карантин қоидаларига риоя этилганлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад бободеҳқонларимизнинг пешона тери ва заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган ризқ-рўз саналмиш ғалла ҳосилини нобуд қилмай, исрофгарликка йўл қўймасдан қабул қилишдан иборат. Демак, хирмонлар донга, дастурхонларимиз ширмой нонларга тўладиган шукуҳли дамлар яқин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 30 май, 96-сон

Эксклюзив суҳбат

unicef

ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – болаларга энг яхши туҳфа!

Бутун дунёда болалар ҳимояси, парваришига алоҳида эътибор қаратилиб, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни катта шодиёна сифатида нишонланади. Аммо бир пайтлар – инсоният бошига оғир кулфатлар солган Иккинчи жаҳон урушида мурғак жонларни ҳимоя қиладиган кишилар ниҳоятда саноқли эди.

Даҳшатли уруш оқибатида етим қолган миллионлаб болаларнинг аксарияти кўчада яшашга, омон қолиш учун тиланчилик ва ўғрилик қилишга мажбур бўлди. Ҳатто иқтисодий фаровонлигини нисбатан сақлаб қолган мамлакатларда ҳам қанчадан-қанча болалар кўча-кўйда тентираб, очлик ва касалликдан ҳалок бўлди. Бундай оғир вазиятга бефарқ қараб туролмаган БМТ ёрдамга муҳтож болаларга кўмак бериш мақсадида 1946 йил 11 декабрда Халқаро фавқулодда болалар жамғармаси – ЮНИСЕФга асос солди. Зарурат юзасидан фавқулодда тузилган ташкилот кейинчалик доимий фаолият юрита бошлади ва йиллар давомида миллионлаб болаларга ёрдам қўлини чўзаётган "дунёнинг виждони"га айланди. Ҳозирги кунда ЮНИСЕФ 190 дан ортиқ мамлакатда ҳар бир бола учун яхшироқ дунёни қуришга қаратилган мақсадлар асосида иш олиб борилмоқда.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1994 йилдан буён мамлакатимизнинг ёш фуқаролари ғамхўр ва дўстона жамиятда вояга етиши, соғлом ривожланишини таъминлашга қаратилган дастурлар асосида фаолият юритмоқда. Бутун саъй-ҳаракати БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ижросига асосланган мазкур ташкилот юртимиз болаларининг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояси, саломатлиги, бепул ва сифатли таълим олиши каби масалаларда ҳукумат билан ҳамкорлик олиб боради.

— Жаҳонда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганидан буён кўп вақт ўтди. Бу давр оралиғида кўплаб давлатлар ҳар жиҳатдан тараққий этганига қарамай, минг афсуски, ҳамон ҳимояга муҳтож болалар эътибордан четда қолаётганига гувоҳ бўляпмиз, — **дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари, жаноб Саша ГРАУМАННН.** — Бунга дунёда кам таъминланган оилалардаги болалар ўлимининг юқорилиги, бошланғич ва ўрта мактабларда қамров даражаси катта бўлишига қарамай, ногиронлиги бўлган болалар оддий мактабларда таълим ололмаслиги ёки қизларнинг олий таълимдаги улуши нисбатан камлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, жаҳон миқёсида махсус муассасаларда тарбияланаётган болалар сони ҳам оз эмас. Расмий маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар 100 минг боладан 120 нафари, алоҳида олиб қаралганда, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида 100 минг боладан 666 нафари шундай муассасаларда тарбияланади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич нисбатан камроқ — 100 минг боладан 255 нафари.

Ўзбекистонда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиши мақтовга сазовор. Амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида иқтисодий масалаларга эътибор қаратилиши баробарида ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларига кўмак бериш тизимининг йўлга қўйилгани давлатнинг кичик фуқароларига бўлган ғамхўрлиги белгисидир.

— Болалар ижтимоий ҳимоясининг энг асосий жиҳатларидан бири саломатлик билан боғлиқ масалалардир. Бу соҳадаги ишлар, айниқса, дунёда кенг тарқалаётган коронавирус пандемияси даврида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, ЮНИСЕФнинг болалар саломатлигини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталсангиз.

— ЮНИСЕФ ўз фаолияти доирасида болалар саломатлигини сақлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан доимий ҳамкорлик олиб боради. Ана шу ҳамкорлик доирасида вакциналар ишлаб чиқарувчидан ҳар бир болага етиб боргунига қадар унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган янги занжир — инфратузилма тармоғи яратилди. Вакциналар ва иммунизация бўйича глобал альянс (GAVI) кўмаги билан Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида вакциналарни сақлаш учун янги совиткичли омборхоналар қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Мазкур ускуна ва технологиялардан фойдаланиш бўйича мутахассислар махсус курсларда ўқитилди. Айни пайтда ЮНИСЕФ вакциналарни омборлардан туманлар ва чекка аҳоли пунктларидаги поликлиникаларга сифатли етказиш учун барча вилоятларга музлаткичли автомобиллар харид қилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатда эмлаш қамровини юқори даражада сақлаб туришга ёрдам беради.

Ҳамкорлигимизнинг яна бир йўналиши туғилиш ва ўлим ҳолатларини электрон рўйхатга олиш тизимини жорий этишдир. Бу мутасадди вазирлик ва идоралар ўртасида самарали ва тезкор маълумотлар алмашинувини таъминлайди. Шунингдек, мазкур тизим маълумотларни йиғиш ва уларни тўғри таҳлил қилиш асосида қарорлар қабул қилишга йўл очади.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда она ва бола саломатлигига қаратилаётган эътибор, бу борада олиб борилаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида мамлакатда болаларнинг омон қолиши ва соғлом ривожланиши бўйича юқори натижалар қайд этилмоқда. Аммо айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 50 фоизи улар ҳаётининг дастлабки 28 кунида рўй беради.

ЮНИСЕФ янги туғилган чақалоқлар ўлимининг олдини олишда Соғлиқни сақлаш вазирлигини перинатал ўлимлар аудитини ўтказиш, янги туғилган чақалоқларда тиббий ёрдам стандартларини янгилаш, перинатал хизматлар сифатини оширишнинг илғор услубларини жорий этиш орқали қўллаб-қувватлайди.

Сўнгги йилларда ЮНИСЕФ Соғлиқни сақлаш вазирлигига Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги саккизта бирламчи тиббий-профилактика муассасасида уйга ташриф буюришнинг универсал-прогрессив тизимини моделлаштиришда ёрдам берди. Бундай ёндашув тиббиёт ҳамшираларига касалликнинг хавфли белгиларини вақтида аниқлаш, ота-оналарга болани парваришлаш бўйича фойдали маслаҳатлар бериш, ижобий амалиётни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бола саломатлигини таъминлашда соғлом овқатланиш муҳим ўрин тутади. Бу, айниқса, бола ривожланишининг дастлабки босқичларида жуда муҳим. Шу боис, ЮНИСЕФ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида озиқланиш бўйича миллий тадқиқот ўтказилди. Унда сўнгги йилларда аёллар ва болаларнинг овқатланишида эришилган ютуқлар кўрсатиб берилди. Масалан, боланинг ўз ёшига нисбатан бўйи меъёрдан паст бўлиши ҳолатларини камайтириш борасида Ўзбекистон сезиларли ютуқларга эришди. Гўдакларни кўкрак сути билан озиқлантиришни эрта бошлаш амалиётини жорий қилиш бўйича ҳам яхши натижалар қайд этилмоқда. Бироқ тадқиқот давомида болалар ва репродуктив ёшдаги аёлларда микроэлементлар етишмовчилиги ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар сирасига кириши аниқланди. ЮНИСЕФ кўмагидаги тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш натижасида ҳукумат мамлакатда озиқланиш стратегияси ва микроэлементлар етишмаслигини камайтириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга қарор қилди. Умид қиламизки, бу каби саъй-ҳаракатлар болалар ўлими ҳолатини камайтириб, она ва бола саломатлиги борасида янги ютуқларга эришишни таъминлайди.

— ЮНИСЕФ Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини янада яхшилаш учун нималарни тавсия қилади?

— Келажакда янада барқарор ва адолатли ривожланишга хизмат қиладиган пойдевор яратиш учун она ва бола саломатлиги, айниқса, кам таъминланган, алоҳида эътиборга муҳтож болаларга кўпроқ сармоя йўналтириш зарур.

Бугун Ўзбекистонда мактаб ёшидаги ногирон болалар 1 фоизни ташкил этади. Ҳомиладорликнинг эрта босқичи, туғилиш жараёни ёки бола ҳаётининг биринчи йилида мазкур муаммони бартараф этишга жиддий қараш орқали юқоридаги кўрсаткични янада қисқартириш мумкин.

Болалар саломатлигини таъминлашда эмлаш қамровининг юқори даражасини сақлаб қолишда миллий иммунизация дастурининг таъминот ва совуқлик занжири тизимларини янада кучайтириш яхши самара беради.

Бундан ташқари, бола ҳаётининг дастлабки 1000 кунига сармоя йўналтириш узоқ муддатга қаратилган самарали сармоядир. Боиси, дастлабки 1000 кун — бу улкан салоҳият, шу билан бирга, заифлик даври ҳамдир. Жаҳон миқёсидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу бола миясининг ўсиб ривожланадиган ва ҳаёти давомидаги саломатлиги учун зарур пойдевор қўйиладиган даврдир.

Бир сўз билан айтганда, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида она ва бола саломатлиги давлатнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. ЮНИСЕФ соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини янада оширишга қаратилган энг илғор халқаро ёндашувларни жорий этиш ва тарқатишда Ўзбекистон ҳукуматига ёрдам беришга доим тайёр.

— Ҳар бир бола бепул ва сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга. ЮНИСЕФнинг бу борадаги дастурларида қайси масалалар устуворлик касб этади?

— Барқарор ривожланиш мақсадларининг 4-йўналишига биноан, ҳар бир бола сифатли таълим олиш ва ўз салоҳиятини тўлиқ намоён қилишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлигига алоҳида урғу берилмоқда.

ЮНИСЕФ ҳукуматнинг барча, айниқса, мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида болаларни сифатли таълим билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ташкилотнинг бу борадаги фаолияти таълим соҳасидаги қонунлар, сиёсат ва режаларни ишлаб чиқиш, ўқув жараёнига инновацион моделларни жорий қилиш, таълим соҳасидаги мониторинг, тадқиқотлар ва баҳолашни қўллаб-қувватлаш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Бундан бор-йўғи икки йил муқаддам 3-6 ёшдаги болаларнинг бешдан бир қисмигина мактабгача таълим дастури билан қамраб олинган эди. Сўнгги икки йилда бу тизимга қаратилган эътибор натижасида мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони сезиларли даражада ошди. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу муассасалардаги сифатли таълим боланинг мактабга яхшироқ тайёрланиши ва кейинчалик дарсларни пухта ўзлаштиришига ёрдам беради.

ЮНИСЕФ ҳукумат билан ҳамкорликда мактабгача таълим тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқишда ва таълим тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқишда катта техник ёрдам кўрсатди. Сенат томонидан 2019 йил декабрь ойида қабул қилинган "Мактабгача таълим тўғрисида"ги қонун ёш болаларнинг эрта ёшдан бошлаб таълим олиш ҳуқуқи ва бу борадаги давлат сиёсатининг йўналишларини белгилайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда тасдиқланган таълим тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририда эса ҳар бир боланинг сифатли ва замонавий умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқига урғу берилади.

> *Ўзбекистон таълим секторининг* **2019-2023 йилларга мўлжалланган иккинчи режаси ҳам ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.** *Таълим бўйича глобал шериклик (GPE) томонидан 2019 йилда тасдиқланган* **таълим сектори режаси Мактабгача таълим вазирлигига 70 миллион АҚШ долларидан кўпроқ ташқи ёрдам олиш имкониятини берди.**

Ўзбекистон таълим секторининг 2019 – 2023 йилларга мўлжалланган иккинчи режаси ҳам ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Таълим бўйича глобал шериклик (GPE) томонидан 2019 йилда тасдиқланган таълим сектори режаси Мактабгача таълим вазирлигига 70 миллион АҚШ долларидан кўпроқ ташқи ёрдам олиш имкониятини берди. Бунда GPEнинг 10 миллион АҚШ долларига тенг гранти Жаҳон банкининг 60 миллион АҚШ долларидан ортиқ лойиҳаси билан тўлдирилди.

Сўнгги йилларда ЮНИСЕФ ҳукумат билан ҳамкорликда амалга оширган йирик лойиҳалардан яна бири эрта таълимни ривожлантириш стандартлари ва "Илк қадам" янги мактабгача ўқув дастурини ишлаб чиқиш бўлди. Шунингдек, ташкилотимиз мактабгача таълимнинг муқобил моделларини ишлаб чиқиш, жумладан, давлат-хусусий шериклик моделлари ва бир йиллик бепул ва мажбурий мактабгача таълимни моделлаштиришда иштирок этмоқда. Ҳозир ушбу моделлар давлат томонидан мамлакатнинг бир неча ҳудудларида жорий қилинди.

Ўзбекистон ҳукуматининг карантин даврида тезкор чоралар кўриб, таълимнинг узлуксизлиги ва масофадан туриб ўқитишни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу амалий чоралар ҳукуматнинг COVID-19 пандемияси даврида ҳам боланинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш мажбуриятини адо этишдаги қатъиятини намойиш этди.

Расмий маълумотларга кўра, мактабларнинг ёпилиши 8 миллиондан ортиқ боланинг таълим жараёнига таъсир қилди. Шундай шароитда ҳукумат жуда қисқа вақт ичида телевизион дарсларни ўқув дастурига мувофиқ тарзда ташкил этганини юқори баҳолаймиз.

Сўнгги икки ой ичида 4500 га яқин телевизион дарс рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ташкил этилиб, тўртта телеканал орқали намойиш этилди. Телевизион дарслар масофавий ўқитиш режимида 3400 соатлик дарсларни ўз ичига олади. Бу катта ютуқ ва бошқа давлатлар учун намунадир.

Мазкур жараёнларда ЮНИСЕФ ҳам Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирликларига болаларнинг таълим олишини таъминлаш учун масофавий ўқитиш дастурларини ишлаб чиқишда кўмак берди. Бунга қўшимча равишда ота-оналар учун масофавий ўқишда болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳатларни ўз ичига олган видеороликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилди.

Айни кунларда ЮНИСЕФ ҳукуматнинг масофавий ўқитиш дастурининг қамрови ва самарадорлигини тезкор баҳолашни амалга ошириб, мамлакатнинг бу борадаги ютуқларини дунёга намойиш этишни ва ушбу тажрибадан сабоқ олишлари учун уни бошқа давлатлар билан ўртоқлашишни режалаштирмоқда.

Ҳозир ҳукумат билан ҳамкорликда мактабларни қайта очиш стратегияси устида иш олиб боряпмиз. Соғлиқни сақлаш ва гигиена қоидаларига эътиборни қаратган ҳолда хавфсиз мактаб фаолиятини амалга ошириш бўйича баённомалар ишлаб чиқилиб, масофавий ўқитишни таълим олишнинг қўшимча механизми сифатида татбиқ этиш режалари тайёрланмоқда.

Умуман, Ўзбекистон 2030 йилга қадар бўлган давр учун ўз олдига улкан мақсадлар қўйган. Уларга эришишда нафақат ҳукумат, балки ҳамма фаол бўлиши керак. Хусусий сектор, таълим соҳаси вакиллари, тадқиқотчилар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари — барча болалар ва ёшлар учун муносиб келажакни шакллантириш йўлида бирлашмоғи зарур.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**
"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1380.
42644 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 01:40 Топширилди — 03:25 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Хайриддин Мурод
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru